Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
2021 йил «12» июлдаги №31-сон
Президиуми қарорига
илова

# Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил II ярим йиллик ИШ РЕЖАСИ

| № | Бажариладиган тадбирлар | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|
| **I. Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–6155-сон Фармонидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ижросини таъминлаш** | | | |
| 1. | Алишер Навоий асарларининг бугунги ёшлар тушунадиган ихчам намуналарини яратиб, турли мобил илова ва электрон дастурлар ишлаб чиқилишида иштирок этиш. | Йил давомида | Б.А. Абдухалимов,<br>Н.М. Махмудов,<br>Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти,<br>Адабиёт музейи |
| 2. | Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган амалий ҳаракатларни қатъий давом эттирилишида иштирок этиш. | Йил давомида | Б.Т. Ибрагимов,<br>Н.К. Аимбетов,<br>тегишли ИТМлар раҳбарлари |
| 3. | Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси, уруғчилик ва кўчатчилик тизимини такомиллаштириш, харидорларни кафолатланган уруғлик ва кўчатлар билан таъминлаш механизмини жорий этилишида иштирок этиш. | 2021 йил<br>20 август | Б.Т. Ибрагимов,<br>Ж.Ж. Ташпулатов,<br>тегишли ИТМлар раҳбарлари |
| 4. | Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг ҳудудларида экотуризмни ривожлантирилишида иштирок этиш. | 2021 йил<br>1 декабрь | Б.Т. Ибрагимов,<br>Ж.Ж. Ташпулатов,<br>тегишли ИТМлар раҳбарлари |
| **II. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигининг 30 йиллигига муносиб тайёргарлик кўриш** | | | |
| 5. | Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига 30 йил тўлиши муносабати билан “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида: | Йил давомида | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов, |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | кенг қамровли ташкилий-амалий ва маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш;<br>барча илмий-тадқиқот муассасаларида оммавий ахборот воситалари вакилларини ҳамда кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш ҳамда мустақиллик йилларида эришилган илмий-амалий ютуқларни намойиш қилиш мақсадида “Очиқ эшиклар куни” тадбирларини ўтказиш;<br>барча илмий-тадқиқот муассасаларида ҳафтанинг бир кунини “Чет тили куни” деб белгилаш ва шу куни муассасада барча ходимлар ўртасида шу тилда мулоқот қилинишини йўлга қўйиш. | | С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>М.Ю. Жуманова,<br>Б.Н. Қодиров,<br>ИТМлар раҳбарлари |
| 6. | Фанлар академиясининг мустақиллик йилларида эришилган илмий-амалий ютуқларига бағишланган ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланадиган буклет учун мутасадди муассасаларига тегишли таҳлилий материалларни тайёрлаш ва чоп этиш чораларини кўриш. | Йил давомида | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>М.Ю. Жуманова,<br>М.М. Жўраева,<br>Б.Н. Қодиров |
| 7. | Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 30 йиллигига Фанлар академиясининг барча тизим муассасалари ва ташкилотларида иш юритиш ҳужжатлари ва бошқа ташкилий масалаларига оид материаллар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида бўлишини таъминлаш. | Доимий | Б.А. Абдухалимов,<br>Г.А. Бахадиров,<br>Б.Н. Қодиров,<br>М.М. Жўраева,<br>О.Б. Азизова |
| 8. | Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияни ўтказиш бўйича фармойиши лойиҳасини тайёрлаш. | 2021 йил<br>июль | Б.А. Абдухалимов,<br>Н.А. Мустафаева |
| 9. | Сўнгги йилларда эришилган ютуқлар акс этган видеороликлар тайёрлаш. | август | М.Ю. Жуманова,<br>ИТМ раҳбарлари |
| 10. | “Давлат тили ҳақида”ги (1989 йил 21 октябрь) қонунининг 32 йиллигини муносиб нишонлаш. “Она тилини ҳимоя қилиш – Ватанни ҳимоя қилиш” шиори остида тадбир ташкил қилиб, унда Фанлар академияси тизим ташкилотларининг маслаҳатчилари фаолиятини рағбатлантириш. | 2021 йил<br>октябрь | Б.А. Абдухалимов,<br>Б.Н. Қодиров,<br>М.М. Жўраева,<br>О.Б. Азизова |
| | **III. Илмий фаолиятни мувофиқлаштириш** | | |
| 11. | Илмий ташкилотлар раҳбарлари лавозимига устувор равишда илм-фан тизимини бошқариш | 2021 йил | Г.А. Бахадиров, |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | кўникмасига ва иқтисодий билимга эга бўлган ёш мутахассислар тайинлаш. | 1 январдан бошлаб | Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>А.Қ. Қаюмов |
| 12. | Ҳар бир илмий ташкилотда унинг бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчи лавозимини киритиш, бу лавозимга таниқли илм-фан намояндалари ва нуфузли олимлардан бирини тайинлаш ҳамда маслаҳатчи ташкилотнинг Илмий кенгашини бошқаришини ташкил этиш. | 2021 йил<br>1 январдан бошлаб | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>А.Қ. Қаюмов |
| 13. | Илмий ташкилотлар олимларини таълим жараёнларига жалб этиш ва рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш. | 2021 йилдан бошлаб | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>А.Қ. Қаюмов,<br>тегишли ИТМлар раҳбарлари |
| 14. | Тегишли йўналишдаги бакалавр ва магистрларнинг дарс жараёнидаги лаборатория амалиётини ташкил этиш учун олий таълим муассасалари билан келишув имзолаш. | 2021 йилдан бошлаб | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>А.Қ. Қаюмов,<br>тегишли ИТМлар раҳбарлари |
| 15. | Фанлар академияси тизимида 2021 йилда ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режасига мувофиқ анжуманларни ташкил этиш ва ўтказиш. | белгиланган муддатларда | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>ИТМ раҳбарлари |
| 16. | Илмий-техника дастурларининг бажарилиши ва илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши бўйича мониторинг олиб бориш ўтказиш. | белгиланган муддатларда | Г.А. Бахадиров,<br>Ф.А. Каримова,<br>ИТМ раҳбарлари |
| 17. | Ўзбекистон олимларининг Scopus, Web of Science, Science Direct каби ахборот базалари журналларида илмий мақолалар чоп қилишларини қўллаб қувватлаш, мақолалар сонини ошириш. | мунтазам | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>ИТМлар раҳбарлари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 18. | 2020 йил 25 ноябрдаги “Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4899-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш. | белгиланган муддатларда | Б.Т. Ибрагимов,<br>Ж.Ж. Ташпулатов,<br>тегишли ИТМ раҳбарлари |
| 19. | Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда экологик тадбирларни бажариш. | 2021 йил иккинчи ярмида | Б.Т. Ибрагимов,<br>Ж.Ж. Ташпулатов,<br>тегишли ИТМ раҳбарлари |
| 20. | Россия Фанлар академиясини “Курчатов институти” илмий маркази билан илмий-техник ҳамкорликни амалга ошириш | 2021 йил иккинчи ярмида | Б.Т. Ибрагимов,<br>Ж.Ж. Ташпулатов,<br>тегишли ИТМ раҳбарлари |
| 21. | Жамоавий фойдаланиш марказларидаги ноёб илмий асбоб-ускуналар ёрдамида илимий тадқиқот ва олий таълим муассасаларига хизмат кўрсатиш | 2021 йил иккинчи ярмида | Б.Т. Ибрагимов,<br>Ж.Ж. Ташпулатов,<br>тегишли ИТМ раҳбарлари |
| 22. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон Фармони билан белгиланган вазифалар ижросини таҳлил қилишда иштирок этиш. | 2021 йил июль | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>ИТМ раҳбарлари |
| 23. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистоннинг энг янги тарихи соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2021 йил июль | Б.А. Абдухалимов,<br>К. Сагдуллаев |
| 24. | Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда 2021-2030 йилларда тарих фанини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2021 йил июль | Б.А. Абдухалимов,<br>Н.А. Мустафаева,<br>тегишли ИТМлар раҳбарлари |
| 25. | Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи биносини тўлиқ реконструкция қилиш, янги замонавий экспозиция яратиш, зарур техник ва ашёвий жиҳозлар билан таъминлаш учун керакли маблағлар ажратиш чораларини кўриш. | 2021 йил октябрь | Б.А. Абдухалимов,<br>Н.М. Махмудов |
| 26. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон қарори билан белгиланган вазифалар ижросини 2021 йил II ярим йилликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, Бош вазирнинг маслаҳатчиси О.М. Умаров хузурида республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим | 2021 йил 10 сентябрь | С.З. Мирзаев,<br>Ш.А. Аюпов |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | устувор вазифаларини амалга ошириши бўйича ҳисоботини топшириш. | | |
| 27. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш. | 2021 йил октябрь | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>ИТМ раҳбарлари |
| 28. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон қарори билан белгиланган вазифалар ижросини таҳлил қилиш. | 2021 йил ноябрь | Б.Т. Ибрагимов,<br>Ж.Ж. Ташпулатов,<br>тегишли ИТМлар раҳбарлари |
| 29. | Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ташкилотларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 8 июндаги 366-сон қарори билан белгиланган вазифалар ижросини таҳлил қилиш. | 2021 йил декабрь | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>М.М. Жўраева,<br>Ф.А. Каримова,<br>ИТМ раҳбарлари |
| **IV. Илм-фан ютуқларини кенг тарғиб қилиш** | | | |
| 30. | Олимлар томонидан эришилган илмий ютуқларни кенг жамоатчиликка етказиш бўйича чоралар кўриш. | мунтазам | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>М.Ю. Жуманова,<br>ИТМ раҳбарлари |
| 31. | Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти, илмий иишланмалар натижалари, янги ишланмалар ҳақидаги материалларни Фанлар академияси расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ва ОАВда ёритиш. | мунтазам | М.Ю. Жуманова,<br>ИТМлар раҳбарлари |
| **V. Фанлар академияси фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш** | | | |
| 32. | Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталига ва Фанлар академияси расмий веб-сайтига қуйидаги маълумотларни жойлаштириш, уларни ҳар чоракда янгилаб бориш:<br>амалга оширилган давлат харидлари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича | ҳар чорак охирги ойининг 15 санасигача | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев, |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар);<br>мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар, бундан давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар мустасно);<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёзлар берилган субъектларнинг бенефициарлари (якуний манфаатдор жисмоний шахслари), улар томонидан тўланган солиқлар ва молиявий кўрсаткичлар;<br>ўзларининг йиллик харажатлар сметаси ва унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомототранспорт воситаларини сотиб олиш харажатлари. | | Б.А. Абдухалимов,<br>М.Ю. Жуманова,<br>М.М. Жўраева,<br>М.Т. Якубова,<br>М.М. Меликўзиев,<br>Б.Н. Қодиров,<br>Ж.А. Толибжонов,<br>ИТМ раҳбарлари |
| 33. | Фанлар академияси ҳузурида фаолият юритувчи жамоатчилик кенгашлари билан биргаликда расмий веб-сайтида қуйидаги маълумотларни жойлаштириб, уларнинг ҳар чоракда янгиланиб бориш:<br>жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари);<br>жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар;<br>давлат харидларини амалга оширувчи комиссиянинг тасдиқланган аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими). | ҳар чорак охирги ойининг 15 санасигача | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>М.Ю. Жуманова,<br>ИТМ раҳбарлари |
| **VI. Юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш** | | | |
| 34. | Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинадиган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш режасига киритиш учун номзодлар тавсия этиш. | белгиланган муддатларда | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>А.Қ. Қаюмов,<br>ИТМ раҳбарлари |
| 35. | Фанлар академияси тизимида кадрлар заҳираси бўйича ишларни такомиллаштириш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича белгиланган тадбирларни ташкил этиш. | мунтазам | Г.А.Бахадиров,<br>Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов, |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | А.Қ. Қаюмов |
| 36. | Илм-фанга иқтидорли ёшларни жалб қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, унинг ижросини таъминлаш. | Йил давомида | Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов |
| 37. | Геология фанлари университетида ташкил этилган илмий кластер негизида фундаментал, илмий-амалий ва инновацион тадқиқотлар ҳамда замонавий халқаро стандартларни жорий қилган ҳолда, фан ва амалиётни интеграциялашни жадаллаштиришда иштирок этиш. | 2021 йил<br>1 сентябрь | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>тегишли ИТМ раҳбарлари |
| **VII. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сонли фармони ва 2021 йил 31 майдаги «"Ijro.gov.uz" ижро интизоми идораларaро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5132-сонли қарори асосида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш юзасидан янги тизимни амалиётга тўлиқ жорий этиш** | | | |
| 38. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон ҳамда 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сон Фармонларида белгилаб берилган топшириқларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш. | белгиланган муддатларда | Г.А. Бахадиров,<br>С.Р. Юсупова,<br>ИТМлар раҳбарлари |
| 39. | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идораларaро ягона электрон тизимида қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартибига асосан «Ijro.gov.uz» тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида ижросини ташкил этиш | Белгиланган муддатларда | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>бўлинма бошлиқлари,<br>ИТМлар раҳбарлари |
| 40. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли қарорига асосан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашнинг жорий этилган етти босқичли тартиби; ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ягона ва узлуксиз «технологик занжир»ни ташкил қилиш борасидаги устувор йўналишларига; «Ijro.gov.uz» тизими орқали назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби; «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идораларaро ягона электрон тизими орқали қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини ташкил этиш | Белгиланган муддатларда | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>У.С. Махмудов<br>Ж.Ж. Ташпулатов,<br>Н.А. Мустафаева, |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом талабларига қатъий риоя этиб бориш | | С.А. Бахрамов,<br>Б.Н. Қодиров,<br>Н.А. Абдурахманова<br>ИТМлар раҳбарлари |
| 41. | Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳаларини ҳар томонлама пухта ҳамда юксак профессионал даражада тайёрлаш;<br>қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ва режали ташкил қилиш, уларнинг бажарилиш ҳолатини мақсадли ўрганиш ва аниқланган камчиликлар бўйича тезкор чоралар кўриш;<br>қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлардаги назорат бандларида аниқ механизмлар, муддатлар ва масъуллар белгиланиши бўйича «йўл хариталари»ни (ҳаракат режаларини) ўз вақтида ишлаб чиқиш;<br>ижро интизомига масъул бўлинмаларининг ижро интизомини мустаҳкам-лашдаги ролини ошириш;<br>қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда ижро муддати белгиланмаган ёки ижро муддати бир йил ва ундан ортиқ этиб белгиланган топшириқларнинг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотни ҳар олти ойда масъул ижрочилар томонидан «Ijro.gov.uz» тизимига киритиб бориш | Белгиланган муддатларда<br><br>ҳар олти ойда | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>У.С. Махмудов<br>Ж.Ж. Ташпулатов,<br>Н.А. Мустафаева,<br>С.А. Бахрамов,<br>Б.Н. Қодиров,<br>Н.А. Абдурахманова<br>ИТМлар раҳбарлари |
| 42. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга амалга оширилган Олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича тасдиқланган “Йўл хариталари”даги топшириқлар ижросини таъминлаш ва “Ijro.gov.uz” идоралараро электрон тизимига киритиб бориш | Белгиланган муддатларда | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>Н.С. Охундедаева |
| 43. | Топшириқлар ижро ҳолатини ЎзР ФА бош илмий котиби ҳузурида ҳар ҳафта жума куни, раҳбар ҳузурида ҳафтанинг душанба куни муҳокама қилиб бориш. | Ҳар ҳафта жума ва душанба кунлари | Фанлар академияси Президиуми,<br>Ижро интизоми бўйича Ишчи комиссияси аъзолари |
| | Топшириқлар ижро ҳолатини раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида ҳар ҳафта жума куни, раҳбар ҳузурида ҳафтанинг душанба куни муҳокама қилиб бориш. | | ИТМлар раҳбарлари |
| 44. | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-445-сон Қонуни ва | Ўрнатилган тартибда | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев, |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | бошқа қонун ва қонун ости ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилишни таъминлаш. | | Б.А. Абдухалимов,<br>бўлинма бошлиқлари,<br>Х.М. Ядгаров,<br>Ж.А. Толибжонов |
| 45. | Фанлар академияси раҳбарияти томонидан жадвал асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини мунтазам равишда қабул қилиш. | график асосида | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>Н.Т. Тўлаганов,<br>Ж.А. Толибжонов |
| 46. | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолати бўйича таҳлилий маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | ҳар чоракда | Г.А. Бахадиров,<br>Н.А. Абдурахманова,<br>Ж.А. Толибжонов |
| 47. | Бош илмий котиб ва вице-президентларнинг 2021 йилги иш режаси ижроси юзасидан ҳисоботларни тинглаш ва уларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш. | ҳар чоракда | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов |
| 48. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сонли фармонидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сонли қароридаги талабларни сўзсиз бажарилишини таъминлаган ҳолда Бошқарув аппарати, тизим муассасалари ва ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларини ва ҳужжатларини, шунингдек Ҳукумат қарорларини тизим ташкилотларида бажарилиши бўйича ижро интизоми ҳолатини тизимли ва танқидий таҳлил қилиб бориш ҳамда мақсадли ўрганишларни ташкил этиш. | Ҳар ойда | Г.А. Бахадиров,<br>Н.А. Абдурахманова,<br>барча ИТМлар ва минтақавий бўлимлар раҳбарлари |
| 49. | 2021 йил III ва IV чораклари якунлари бўйича ижро интизоми ҳолати юзасидан мониторинг материаллари пухта таҳлил қилинган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли департаментига тақдим этиш. | 2021 йил<br>3 октябрга ва 31 декабрга қадар | Г.А. Бахадиров,<br>Н.А. Абдурахманова |
| 50. | Вазирлар Маҳкамасининг “Раҳбар кадрлар ва масъул лавозимларга тайинланадиган шахсларнинг давлат тилини билиш бўйича даража сертификатини бериш тартиби | Доимий | Г.А. Бахадиров,<br>А.Қ. Қаюмов, |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 4 февралдаги 52-сон қарори ижросини сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш ва мунтазам равишда мазкур қарор ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотларни Вазирлар Маҳкамасининг Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш департаментига киритиб борилишини таъминлаш. | | О.Б.Азизова |
| 51. | Фанлар академияси тизимида ходимларга давлат тилини чуқур ўрганишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратининг самарали шаклларини жорий этиш. | Доимий | Г.А. Бахадиров,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>О.Б.Азизова |
| 52. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон қарори ижроси бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан амалга оширилаётган ишлар натижалари тўғрисида Фанлар академиясининг 2021 йил II ярим йилликда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириши бўйича ҳисоботи. | 2021 йил<br>27 сентябрь | С.З. Мирзаев,<br>В.А. Рафиков |
| 53. | “Стартаплар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасига белгиланган тартибда муносабат билдириш. | 2021 йил<br>декабрь | Г.А. Бахадиров,<br>Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>тегишли ИТМлар раҳбарлари |
| | **VIII. Халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш** | | |
| 54. | Фанлар академияси Илмий-тадқиқот муассасалари ходимларини етакчи хорижий марказларда стажировка ўташларини таъминлаш чораларини кўриш | Йил давомида | Н.С. Охундедадева,<br>ИТМлар раҳбарлари |
| 55. | Халқаро Фанлар академиялари ассоциация (МААН) ва Халқаро илмий ташкилотлар иттифоқи (ANSO) аъзо давлатлари ва ташкилотлари билан илмий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш | Йил давомида | Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев,<br>Б.А. Абдухалимов,<br>Н.С. Охундедадева |
| 56. | Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Рақамли тадқиқотлар” тизимини ривожлантириш юзасидан музокаралар олиб бориш. | Йил давомида | Г.А. Бахадиров,<br>Н.Б. Тиловов,<br>Н.С. Охундедадева |
| 57. | Ҳар бир илмий-тадқиқот муассасаси ўз йўналиши бўйича юқори натижаларга эришган етакчи хорижий ҳамкорларни топиб, улар билан бирга ҳамкорлик ишларини ташкил қилиш | 2021 йилдан<br>бошлаб | Б.Т. Ибрагимов,<br>С.З. Мирзаев, |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | чораларини кўрсинлар. Жумладан, тегишли илмий-тадқиқот муассасалари экинларнинг рақобатбардош ва серҳосил навларини олиб келиб, маҳаллий шароитларга мослаштирган ҳолда, миллий уруғ брендларини яратишни йўлга қўйсин. | | Н.С. Охундедадева, ИТМлар раҳбарлари |
| 58. | Хива шаҳрида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда «Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида» халқаро анжуманини ўтказилишида иштирок этиш. | 2021 йил 20 август | Б.А. Абдухалимов, Н.А. Мустафаева, тегишли ИТМлар раҳбарлари |
| **IX. Физика фанини ривожлантириш** | | | |
| 59. | “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва худудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш. | 2021 йил июль | С.З. Мирзаев, В.А. Рафиков |
| 60. | Вазирлар Маҳкамасининг “Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш ҳамда электрон техник паспортларни шакллантириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини тайёрлаш. | 2021 йил июль | С.З. Мирзаев, В.А. Рафиков |
| 61. | Доимий янгиланиб борадиган илмий ишланмалари электрон маълумотлар базасини яратиш. | 2021 йил 31 август | С.З. Мирзаев, Х. Олимов |
| 62. | Ион-плазма ва лазер технологиялари институти тузилмасида Амалий нанотехнологиялар лабораториясини ташкил этиш. | 2021 йил август | С.З. Мирзаев, Х.Б. Ашуров |
| 63. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сон қарори ижросини таҳлил қилишда иштирок этиш. | 2021 йил август | С.З. Мирзаев, С.А. Бахрамов, тегишли ИТМ раҳбарлари |
| 64. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва худудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон қарори ижросини таҳлил қилиш. | 2021 йил август | С.З. Мирзаев, В.А. Рафиков |
| 65. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва худудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон қарори, мазкур қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизимини такомиллаштириш дастури ижросини мақсадли ўрганиш. | 2021 йил август | С.З. Мирзаев, В.А. Рафиков |
| 66. | Амалий нанотехнологиялар лабораториясини илмий ходимлар билан тўлдириш. Зарур замонавий асбоб-ускуналар рўйхатини тузиш ва Инновацион ривожланиш вазирлигига | 2021 йил 30 сентябрь | С.З. Мирзаев, Х.Б. Ашуров |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | тақдим этиш. | | |
| 67. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва худудининг сейсмик хавфсизлиги соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон қарори ижросини таҳлил қилиш. | 2021 йил октябрь | С.З. Мирзаев,<br>В.А. Рафиков |
| 68. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш. | 2021 йил ноябрь | С.З. Мирзаев,<br>С.А. Бахрамов,<br>тегишли ИТМ раҳбарлари |
| 69. | Вазирлар Маҳкамасининг “Республиканинг сейсмик фаол худудларида жойлашган сув омборларида инструментал сейсмологик кузатувларни доимий амалга ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2020 йил 17 декабрдаги 792-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш. | 2021 йил ноябрь | С.З. Мирзаев,<br>В.А. Рафиков |
| 70. | Фанлар академияси томонидан физика йилида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказиш. | 2021 йил ноябрь | С.З. Мирзаев,<br>М.Ю. Жуманова,<br>тегишли ИТМ раҳбарлари |
| 71. | Юқори энергиялар физикаси соҳасидаги натижаларни амалий қўллаш, энергиятежамкор мосламаларини яратиш, асбобсозлик ва нанокристаллардан фойдаланиб кўпқувватли тузилмалар олишга оид тадқиқотлар натижаларидан фойдаланишни ташкиллаштириш бўйича дастурини амалга ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. | 2021 йил 30 декабрь | С.З. Мирзаев,<br>Х. Олимов |